

Buxoro - sharq
gavhari



БУХОРОҲИ ШАРИҒИ

БУХОРОИ
ШАРИҒИ

Маърифий, ҳуқуқий, ижтимоий, маънавий ва реклама-ахборот ҳафтанома

Газета 1992 йил январь ойдан чиқа бошлаган

2023 йил 12 апрель чоршанба

№14 (1574)

ҲАЁТ ТАСВИРЛАНГАН БУХОРО ГИЛАМЛАРИ

ГИЛАМЧИЛИК — гилам тўқиш касби, бадиий хунармандлик соҳаси. Қадимдан чорвачилик билан шугулланадиган кўчманчи қабилалар орасида кенг

ли иллардан тугиб бандлар ҳосил қилиб яратилди, тугун учи матонинг юза томониға чиқариб текис қирқилади, ҳар бир қатордан сўнг арқок ипи ўтказиб махсус темир тарокка уриб аввалгисиға маҳкамланади. Тайёр гилам махсус кимёвий моддалар ёрдамида ювилади. Гиламлар турли ҳажмларда тайёрланади.

Гиламчиликнинг пайдо бўлган вақтини аниқ айтиш қийин, чунки жун чидамсиз бўлиб, қад. гиламлар сақланмаган. Энг қадимий гилам миллоддан аввалги 6-5-асрларға оид бўлиб, Тоғли Олтойдан топилган, абадий музлюқда бўлгани учун яхши сақланган. Олимларнинг тахминига кўра, у Ахоманийлар даври форслари ёки Ўрта Осиё қабилалари орасида тайёрланган (ҳажми 1,8×2 м; нақш мужассамоти: хандасий шакллар нилуфар гуллар билан безатилган, кенг ҳошияларида отлик чавандозлар, холдор бугулар, грифонлар тасвири бор).

кя, Бобурийлар даврида Ҳиндистонда «Мўғул», «Агра» ва бошқа гиламлар, Миср, Сурия, Кавказ ортида тараккий этди.

Бухорода гиламбофлик VI-VII асрларда кенг тараккий этган. Ҳозирги кунда Бухоролик ёш гиламбофлар ҳам қадимий гиламлардан қолишмайдиган жуда нафис гиламлар тўқиш, дунё ахлини лол қолдириб келмоқдалар. Ҳаёт Джўраев болалигидан жуда нозик дилли, билимга, хунарга чанқок инсон бўлиб ўсди.

Унинг бу истеъдодини отаси Ҳамид ака анчадан буюн кузатиб юрди. Ҳаётжоннинг ҳаётини тўғри йўналтириш мақсадида Ҳамид ака 2001 йил уни Бухоро шаҳар анъанавий гилам тўқиш ва табиий бўёқ тайёрлашни ўрганиш марказига олиб, бориб унга гилам тўқиш санъати ва табиий бўёқ тайёрлаш сирларини ўрганишини тақлиф қилади. Отасининг ишончини оқлаган Ҳаёт Джўраев 2002 мартда анъанавий гилам тўқиш ва табиий бўёқ тайёрлашни тўлиқ ўрганди. Ҳақиқий устага айланган Ҳаётжон энди ҳаётининг турли хил кўرғазмаларида қатнашиб, бир неча сертификат ва дипломларни қўлга киритишга мушарраф бўлди.

Шу жумладан 2019 йил Германиянинг Берлин шаҳрида бўлиб ўтган «Bazaar Berlin» кўрғазмасида, шу йилнинг 17-20 августида Венгрия халқ амалий санъати «Mesterségek Ünnepe» кўрғазмасида, 2022 йилда Германиянинг Берлин шаҳрида бўлиб ўтган «Bazaar Berlin» кўрғазмасида бир қатор сертификатларни қўлга киритди. Шу йилнинг 2-6 март кунлари Россия Федерациясининг Москва шаҳрида бўлиб ўтган «Весенняя фантазия-2022» кўрғазмасида қатнашиб дипломи қўлга киритди. Венгриянинг «Mesterségek Ünnepe» халқ амалий



Суръатда Ҳаёт Джўраевнинг гилам тўқиш жараёни


тарқалган. Ўсимлик пахта, зигир, жут толаси, жун кўй, эчки, туя жунидангина тайёрланган. Гилам тўқиш учун қирқилган жунлар ювилиб тозаланади, темир тарокларда таралади, таралган жунлардан ип йиғирилади. Иллар турли табиий бўёқлар билан бўёлади. Шунинг учун гилам ранглари ўзгармайди ва ўзининг сифатини йўқотмайди. Гиламчилик ер бағирлаб ётиқ горизонтал ва тик вертикал ўрнатилган дастгоҳларда тўқилади. Гиламчилик ривожланган жойларда тўқув дастгоҳлари анча мукамаллаштирилган ва бир неча тўқувчи ёнма-ён ўтириб бирланига тўқийверадиган кенг ўқ галтакли хиллари яратилган. Гиламдўз уста нақш мужассамотини ёдаки ёки нусха асосида тўқийди. Тўқилиш усулига кўра патли ва патсиз гилам турлари фарқланади.

Қўлда гилам тўқиш Ўрта Осиёда, айниқса Туркманистонда кенг ривожланган. Қўлда гилам тўқиш ниҳоятда сермашқат иш, тўқувчидан кунт, дид ва маҳорат талаб қилади. Патли гиламларни тўқиш айниқса мураккаб. Қўлда тўқилган гилам патли, нақш мужассамоти асос илига ранг-

Қадимги ва илк ўрта асрлар гиламчиликка оид маълумотлар ёзма манбаларда сақланган. Салжукийлар даврида гиламлар («кўня», топилаган жой номидан) кўплаб тайёрланган ва Миср, Ҳиндистон, Хитойга чиқарилган.

Ўрта асрларда гиламчилик уч йўналишда — кўчманчи ва ярим кўчманчи чорвадор қабилаларда, ўтроқ кишлоқ ёки шаҳар аҳоли орасида, сарой устaxonаларида ривожланган. Тадқиқотчилар Эрон, Закавказье, Ўрта Осиё гиламларини алоҳида кўрсатиб ўтганлар.

16-асрдан сарой Эрон гиламлари яхши сақланган. Бу гиламлар «Турунж», «Шоҳ Аббос», «Бог», «Ов» ва бошқалар амалий санъатнинг нодир намуналаридир. Улар миниатюра усталари — мусавивларнинг чизгилари асосида тўқилган. Г. Тур-



Суръатда: табиий бўёқ тайёрлаш жараёни

санъати кўрғазмасида тақроран қатнашиб, сертификатни қўлга киритди.

Ҳақиқатдан ҳам Ҳаётжоннинг юрак кўри билан тўқилган гиламларида Бухоронинг ҳаёти тасвирланган.

Бухоро гиламбофлик мактабининг мохир устаси бўлиб етишган Ҳаёт Джўраевга келажакда улкан зафарлар тилаб қоламиз. Барча инсонларга хунари орқасидан обрў-этиборли бўлиш насиб этсин.

Ўз мухбиримиз

БУЮК БУХОРИЙЛАР ДАВОМЧИСИ АХМАД ДОНИШ



Ахмад Дониш ёки Ахмад Калла Ахмад ибн Мир Носир Юсуф ал-Ханафи ас-Сиддикий ал-Бухорий Бухоронинг асл фарзанди ўзининг илгор фикрлари билан ном қозонган шоир мутафаккир, маърифатпарвар олим риёзиёт, фалаккиёт, адабиёт мусика меъморчилик тарих фалсафа сингари фанларнинг етук билимдони машхур хаттот ва наққош мусаввир сиёсий арбоб фақих. У уч марта Бухоро амирининг элчилари таркибда Петербурда бўлиб Европа маданияти ва илм фан соҳасидаги ютуқлари билан яқиндан танишган. Провардида Бухорода мавjud тартибларни ислох қилиш лойиҳасини илгари сурган мутафаккир бўлган. Буюк қомусий олим Ахмад Дониш Бухорийнинг бой ижодий мейраси бизгача етиб келган. Унинг 16 та рисоласи, бир канча шеърлари киритилса таскир асари Ғазалий, Жомий асарларидан кўчирилган юксак хаттотлик санъати билан бажарилган кўлэмалари унинг ўз қўли билан битилган нусхалардир. Унинг мажмуаи хикояти Ахмади калла деб номланган асариде тарихий, адабий, фалсафий масалалар ҳақида теран фикр юритган. Ахмад Дониш ижтимоий илмлар соҳасида марказий Осётининг ўтмиш тарихи, фани, адабиёти ўтмиш тарихи, фани адабиёти, ўтмиш тарихи, фани адабиёти давлатчилиги дини каби масалалар бўйича ҳам асар ёзган. Ахмад Дониш ўзининг "Мунозира ал - қавокиб" (Юлдузларни кузатиш) фалаккиёт илмига бағишланган рисолада муҳим масалани донишмандларча хал қилган. Унинг ижтимоий сиёсий ахлоқий масалалар ҳусусида ёзилган тарихий асари "Наводир ул - вақос" ёки фанга қисқача рисола деб қирган асариде Бухоро хонлигидаги сўнгги

Мангитлар сулоласининг тарихига бағишланган бўлиб, Амир Дониш (1758-1785) ҳукмронлигида Саййид Амир Абдулаҳадхонгача (1885-1910) тарихини ўз ичига олган. Бу асар олимнинг асосий асари ҳисобланади. Ахмад Дониш ўз ватанини қолоқликдан чиқариш йўллари тинмай излаган илгор гонлар тақлиф ва тасвирларини изчиллик билан илгари сурди. Бухоронинг аниқ фарзанди Садриддин Салим Бухорий айтганидек Ахмад Калла лақаби билан машхур бўлган атоқли аллома, буюк файласуф мударрис, муаррих шоир математик меъмор буюк мутафаккир, қобилиятли ёзувчи кўзга кўрилган. Мунажжим ажойиб хаттот, лаввоҳ ҳам музаҳҳиб (зарҳал берувчи) кўчирган кўлэмаларига ўзи зарҳал бериб, сарлавҳалар миннаторалар ишлаган бир сўз билан айтганда қомусий билим эгаси Ахмад Дониш, Ал Бухорий ҳаётини фан ва санъатга сарф қилган Бухоронинг фозилларидан эди. У Бухоро хаттотлик мактабининг етук вақили домло Бобобекнинг мактаби тарбияланувчиси ва иқтидорли шогирди Ахмад Донишга, зукқолиги билимдонлиги ва илоҳий қобилияти учун Ахмад Калла лақаби берилган. У Бухоролик таниқли меъмор, Бобомеъмор ҳузуриде шогирдликда бўлиб, ундан бир неча йил мобайнида ундан бўлажақ иморатлар тарихини чизиш усуллари ганҷкорлик, наққошлик ва миниатюра санъатини ўрганади ва кўп ўтмай устозидан ҳам ўзиб кетади. Бобомеъмор уни Бухоро амира Насруллохоннинг ҳузурига олиб кириб ёзган матилари, чизган расмларини, кўрсатиб саройга ишга тақлиф қилади. Ёш иқтидорини ҳукмдор хаттот мусаввирнаққош сарой мирзохонасига ишга олади. Тез орада у саройнинг бош мирзоси лавозимига тайинланади. Кўп ўтмай Ахмад Дониш устози Бобомеъмор вафотидан кейин сарой бош меъмори лавозимига кўтарилади. Унга "Махдум" унвони берилади. Ахмад дониш мусаввир наққош сифатида Бухорода биринчилардан бўлиб, қирма рангли шувокни жорий қилган. Бунда оппоқ ганч сувоғи устига гиеҳлардан тайёрланган табиий бўёқлар билан аралаштириб қорилган қатлам, бир, иккинчи, учинчи шувокларни амалга ошириб, турли чуқурликдаги қатламларни ўймақорликда пардозлаш натижасида турли рангли асосда турли ранглардан нақшлар барпо қилади. Бунинг натижасида оппоқ чанг устига қора қизил кўк яшил рангдаги юлдузлар тасвири солинган. Ахмад Дониш ўзининг янги-ча услубида безатган Насруллохоннинг

Ситораи Моҳи Хоссадаги саройи бизгача етиб келмаган. Аммо мусаввир лаввоҳ музаҳҳиб наққош Ахмад Донишнинг китобот санъатида ва алоҳида китъаларида унинг юксак даражада бажарилган хаттотлик ва миниатюраларини кўриб, унинг моҳир тасвирчи санъаткор бўлганига амин бўламиз. Ахмад Донишнинг мусаввирлик санъатини ўгли Караматуллоҳ давом эттиради. Расм ва нақш соҳасида маҳоратда тенгсиз меъмор ва наққош бўлиб етишган Караматуллоҳга замондошлари "Сўнгги Мо-

Имом Саъиддин Мухаммад ибн Абу Бақр Бухорий Хофизиддин кабир Бухорий, Хўжа Юсуф Шайх Гиждувоний Қози Хўжа Нажмиддин Гиждувоний, Мовлоно Бурхониддин, Анжир Фағнавий, Халифа Ниёз қўли Мухаммад Юсуф Нақшбандийлар билан бир мазорда дафи қилинган Ахмад Дониш ва бошқалар хотирасини абалийлаштириш мақсадида 2007 йил Бухоро юридик техникуми шимолда жойлаштирилган макбараси Даҳман Беҳиштиён барпо қилинди. Ундаги тош лавҳа-



ний" номини берадилар. Унинг вафотидан кейин кўлаб Бухоро меъморчилик санъатида кўлланиладиган усуллар баён этилган кўпдан кўп чизмалар қолган. Караматуллоҳ ўз чизмаларидан бирининг остига шундай ёзув васиятини ёзиб қолдирган. У қақриб устига "Туну кун меҳнат қилиб сеvimли ёри чеҳрасини кўришга вақти бўлмаган уста эди" деб ёзишни васият қилади. Ахмад Дониш ўндан ортик фан ва кўлаб хунарларни эгаллаган сўнгги Бухоро Қомусий олими ва Бухорийлардан эди. Шундай буюк ватандошмизнинг қабри бизгача сақланмаган. У дафи қилинган мазори Дарвоза қавола ёки Кузотиси саъба (етти қози), Пуштан Тугробекада авлиёлар олим Фозиллар Пирн Қомиллар абадий қўним топганлар. Бу улуғ зотлар орасида Абу Бақр Хомид, Абу Бақр Тархон, Абу Бақр Гулбодий, Ахмад ибн Умар ат Шерозий,

да буюк аждодаларимиз номлари битилган ва зиёратгоҳга айлантилган. Мазкур обидани Бухоронинг аниқ фарзанди меъмор Махдум Қосимович Ахмадовнинг лойиҳаси асосида таниқли қўли гул устаслар; Олим Абдиев, Баҳриддин Йўлдошевлар ўз хисоблари билан бунёд этдилар. Муқаддас қадимки собиқ вилоят ҳокими Самойилдин Хусайнов ва собиқ Бухоро шаҳар ҳокими Қамоловлар ташаббуслари билан қад қўрилди. Ахмад дониш меросининг бир қисминга ўрганилган. Бу қомусий билим эгасининг бой ижодий меросини ҳар томонлама ўрганишни янги Ўзбекистонни учинчи ренессансини бунёд қилаётган ватанпарвар талқикотчиларимиз олдидаги долзарб вазифадандир.

Азиза Мусинова, БДУ санъатшунослик факультети тасвирий ва амалий санъат кафедраси катта ўқитувчиси

AMIR TEMUR DAVRIDA ILM-FANGA BO'LGAN E'TIBOR

Bugungi kunda tarixning shonli sahifalarini varaqalar ekanimiz albatta buyuk bobomiz, davlat arbobi, sarkarda Amir Temur nomini birinchilardan bo'lib tilga olishimiz tabiiy holat desam adashmagan bo'laman. Ayniqsa O'zbekiston Respublikasi mustaqillikka erishgandan so'ng birinchilardan bo'lib ulug' bobo kalonlarimiz xotirasini tiklash ustuvor vazifalardan biri etib belgilandi. Ular yozgan asarlar, qo'lyozmalarni asl holiga qaytarish ularni qaytadan rekonstruksiya qilish ishlari olib borildi. 1996-yil O'zbekistonda "Amir Temur yili" deb e'lon qilindi. Hamda UNESCO qarori bilan sohibqiron bobomiz tavalludining 660 yilligi nishonlandi. Yuritimizning ko'plab viloyatlari jumladan Qashqadaryo, Toshkent hamda Samarqandda u zotning haykallari o'rnatildi. Amir Temur 1336-yil 9-aprelda Kesh ya'ni hozirgi Shaxrisabz yaqinidagi Xo'ja Ilg'or qishlog'ida tavallud topgan. Otasi Amir Tarag'ay Barlos qabilasining oqsoqoli edi. Amir Tarag'ay o'sha paytlarda Turkiston hukmdori Amir Qozog'onning ishonchli vakillaridan biri edi. Onasi Tegina Xotun Ubaydulloh al-Buxoriyning qizi edi. Ubaydulloh al-Buxoriy shariat qonunlarini sharhlovchi allomalardan biri edi. Amir Temur bolaligidanloq juda og'ir-bosiq, zehnl edi. Avval maktabda saboq oldi so'ngra sarkardarlik mahoratini ham o'rgana boshladi. Kamondan o'q uzish, nayza uloqtirish, qilichbozlik kabi



yo'nalishlarni mukammal o'rgana boshladi. Keyinchalik Amir Temur Chig'atoy ulusining vorisi sifatida maydonga chiqdi. Samarqandni Turon salatanatining poxtaxti deb nomladi. Mashxur fransuz olimi Lyangle ul zot haqida quyidagicha fikr bildirdi: "Temur olimlarga serlitfot edi. Bilimdonligi bilan bir qatorda sofdilligini ko'rgan kishilarga ishonch bildirdi. U tarixchilar, faylasuflar shuningdek ilmfan, idora va boshqa ishlarda iste'dodli bo'lgan kishilar bilan suhbatlashish uchun ko'pincha taxtdan tushib ularning yoniga kelardi. Chunki Temur bu sohalarga g'amxo'rlik qilishga asosiy e'tiborini berardi". Amir Temur davlat boshqaruvini adolat bilan boshqardi. Adolat haqida o'zining mashhur "Temur tuzuklari" asarida shunday degan: "Mamlakat zulmga chidashi mumkin, ammo adolatsizlikka chiday olmaydi". Bu so'z o'sha vaqtda saltanat shiori hisoblangan. Temur tuzuklarida qaysh qilish haqida ko'plab sir asorlar keltirilgan. Amir Temur jangiy hududni bosib olmasin u yerda keng ko'lamli ishlarni olib borardi. Ya'ni binolar qurilar, bog'u-ro'g'lar barpo etilardi. Sharafiddin Ali Yazdiyning: "Sohibqiron har yerdakim, imoratga qobil yer ko'rsa erdi ul yerda albatta bir imorat solur erdi" degan jumlamani keltirgan. Amir Temur nafaqat bunyodkorlik ishlari balki ilmfan taraqqiyotiga ham juda katta e'tibor qaratdi. Ya'ni o'zining saltanatida ilmfan rivoji uchun ulkan imkoniyatlar yaratib berdi. Bizning Buxoro davlat universiteti Fizika-Matematika fakultetida ham sohibqiron tavalludiga bag'ishlab tadbirlar, davra suhbatlari tashkil etildi.

Alijon Avezov, BUXDU «Fizika-matematika» fakulteti Matematik analiz kafedrasida katta o'qituvchisi